Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 29 ФЕВРАЛЬ, ДУШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 42 (13.105)

Баҳоси эркин нархда

"DIPLOMAT MAGAZINE":
ЎЗБЕКИСТОН ЭРИШГАН МУВАФФАҚИЯТЛАР ХАЛҚАРО ҲАМЖАМИЯТ ТОМОНИДАН ЮҚОРИ БАҲОЛАНМОҚДА

Аввал хабар берилганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси чет давлатларда катта қизиқиш уйғотиб, ишбилармонлар ҳамда илмий доиралар томонидан кенг ўрганилмоқда.

Жумладан, яқинда Нидерландия ва Бельгиядаги оммабоп нашрлардан бири ҳисобланган "Diplomat Magazine" журналида давлатимиз раҳбарининг мазкур маърузасида тилга олинган тараққиёт йўлимизнинг энг муҳим устувор йўналишларига оид мақола чоп этилди.

Унда таъкидланганидек, дунёнинг ривожланган демократик давлатлари қаторидан ўрин олиш мақсадида юртимизда амалга оширилаётган янгиланишлар аҳолининг муносиб ҳаёт кечириш даражасини юксалтираяпти.

Мақолада жаҳон миқёсида савдо-сотиқ ишларининг ўсиш суръати сезиларли даражада сустлашгани, экспорт қилинадиган энг муҳим товарларга нисбатан ташқи талабнинг камайиши ва нархларнинг пасайишига қарамасдан, Ўзбекистон ташқи савдо айланмасида ижобий сальдога эришгани ҳамда бу давлатнинг олтин-валюта заҳирасини ошириш имконини бергани алоҳида эътироф этилган.

"Мамлакат эришган муваффақиятлар халқаро ҳамжамият томонидан юқори баҳоланмоқда. Катта нуфузга эга бўлган Жаҳон иқтисодий форуми рейтингига кўра, Ўзбекистон 2014-2015 йилларда ривожланиш якунлари ва 2016-2017 йилларда иқтисодий ўсиш прогнозлари бўйича дунёдаги энг тез ривожланаётган бешта мамлакат қаторидан жой олди. Бундан ташқари, ўтган йили республика БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО)га аъзо давлатларнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришгани учун бериладиган мукофотига сазовор бўлган 14 та мамлакатдан бири сифатида қайд этилди", деб ёзилади нашрда.

Манбада баён қилинишича, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳам диққатга сазовор. Бу, ўз навбатида, миллий иқтисодиётни таркибий ўзгартириш, тармоқларни модернизациялаш, техник ва технологик янгилашга доир лойиҳаларни амалга ошириш учун инвестицияларни жалб этишга кўмаклашмоқда.

"2015 йилда 15 миллиард 800 миллион АҚШ долларилик инвестициялар ўзлаштирилди. Унинг 3 миллиард 300 миллион доллардан ортиғи хорижий инвестициялардир. Ушбу маблағнинг катта қисми янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этишга йўналтирилди. Натижада йирик ишлаб чиқариш объектлари қурилиши якунланиб, фойдаланишга топширилди".

Шу билан бирга, мақолада Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида рўй бераётган тизимли ўзгаришларга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. "Республикада деҳқон ва фермерларнинг фидокорона меҳнати ҳамда омилкорлиги туфайли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан мўл ҳосил олинаяпти. Мева ва сабзавотчилик, боғдорчилик, чорвачилик жадал суръатларда ривожланаётир", дейилади унда.

"Diplomat Magazine"да қайд этилганидек, замонавий технологиялар асосида пахта толасини ва мева-сабзавот маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ташқи ҳамда ички бозорда талаб юқори бўлган тайёр, экологик тоза тўқимачилик ва енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2030 йилда 5,6 марта, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажмини эса 5,7 карра ошириш имконини беради.

Мақола якунида 2016 йил мамлакатимизда "Соғлом она ва бола йили" деб эълон қилингани ҳақида маълумот берилиб, Ўзбекистон ҳар йили махсус давлат дастурларини ҳаётга муваффақиятли татбиқ этиш бўйича бой тажриба орттиргани, жорий йилда ҳам оила, оналик ва болалик муҳофазасини мустаҳкамлаш юзасидан улкан ишлар бажарилиши мўлжалланаётгани европалик ўқувчиларнинг эътиборига ҳавола қилинган.

"Жаҳон" АА.
Брюссель

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Ёлқин Шамсиддинов олган сурат

ОСОЙИШТАЛИК ПОСБОНЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

"Туркистон" саройида "Намунали милиция таянч пункти" кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

Тадбирнинг очилишида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда тинчлик-осойишталик таъминланаётгани таъкидланди. Барча ҳудудларда маҳалла идораси ва милиция таянч пункти инфратузилмаси замон талаблари асосида бунёд этилган. Уларда профилактика инспектори, маҳалла оқсоқоли, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, хотин-қизлар кенгаши, яраштириш комиссияси ва посбонларнинг бир жойда, ҳамкорликда фаолият юритаётгани ижтимоий масалаларни сифатли ҳал этиш ва муаммоларнинг олдини олиш имконини бермоқда.

Ҳар йили ўтказиб келинаётган "Намунали милиция таянч пункти" кўрик-танлови соҳадаги ишлар самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Пойтахтимиздаги 450 дан зиёд милиция таянч пунктининг кўпчилиги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан бир бинода фаолият юритмоқда. Милиция таянч пунктларининг аксарияти ҳузурида факультатив тўгараклар, кичик бизнес шохобчалари, вояга етмаганларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун жиҳозланган спорт майдончалари мавжудлиги маҳаллалар ободлиги, муҳити соғломлигига хизмат қилмоқда.

Танловда айнан шу жиҳатларнинг яхши йўлга қўйилгани, маҳаллада ўрнатилган тинчлик-барқарорлик, бу борада профилактика инспекторлари кўрсатаётган фидойи меҳнат натижаларига эътибор қаратилди.

Танлов якунига кўра, Олмазор тумани Хончорбоғ маҳалласидаги 186-милиция таянч пункти ғолибликни қўлга киритди ва танловнинг мамлакат босқичига йўлланма олди.

– Маҳалламизда ёшлар кўпчиликни ташкил этади, – дейди ЎзА мухбирига 186-милиция таянч пункти профилактика инспектори Ориф Ғоипов. – Улар бўш вақтини мазмунли ўтказиши, касб-ҳунар ўрганиши, спорт билан шуғулланиб чиниқиши учун барча шарт-шароит яратилган. Ёшларни фойдали ишларга жалб этиш билан бирга, ҳуқуқий онгини ўстириш, турли зарарли одатларга берилмаслигини таъминлаш борасида зарур профилактика ишлари олиб борилмоқда. Аҳоли билан яқин ҳамкорлик ўрнатилган.

Чилонзор тумани Чилонзор маҳалласидаги 339-милиция таянч пункти иккинчи, Юнусобод тумани Қашқар маҳалласидаги 402-милиция таянч пункти учинчи ўринни эгаллади.

Ғолибларга диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди. Санъаткорларнинг чиқишлари тадбирга янада файз бағишлади.

Тадбирда Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов сўзга чиқди.

Н.АБДУРАИМОВА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ВА ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида фуқаролик жамияти институтларининг қонун ижодкорлиги соҳасидаги иштирокига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси томонидан ташкил этилган тадбирда депутатлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, экспертлар ва журналистлар иштирок этди.

Қўмита раиси А.Саидов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов томонидан илгари сурилган "Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари" тамойилининг изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилиши натижасида фуқаролик жамияти институтларининг жамиятимиздаги ўрни кенгайиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

Мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларининг қонун ижодкорлиги жараёнида фаол иштирокини таъминлашга доир ҳуқуқий тизим яратилган. Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти томонидан 2015 йилда ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, кейинги тўрт йил мобайнида нодавлат нотижорат ташкилотларининг етмиш икки фоизи қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва жамоатчилик муҳокамасида иштирок этган. Нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни жамоат экспертизасидан ўтказиш тизими ҳам яратилган. 2014 йилда саксон бешта меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатнинг лойиҳаси ана шундай экспертизадан ўтказилган ва ушбу ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш бўйича мутасадди органларга 1320 та таклиф берилган.

Анжуманда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг қонун ижодкорлиги соҳасидаги ҳамкорлигини кучайтириш, нодавлат нотижорат ташкилотларининг қонун ижодкорлиги жараёнида иштирок этиш шакллари, усуллари ва механизмини тартибга солувчи қонунчилик асосларини янада такомиллаштириш юзасидан фикрлашилди.

Б.ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири

ХХI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Президентимизнинг 2015 йил 23 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси фуқароларини муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ, Андижон гарнизонидаги ҳарбий қисмлардан бирида муддатли ҳарбий хизматдан резервга бўшатилаётган аскарлардан бир гуруҳига ҳарбий қисм қўмондонлигининг тавсияномалари топширилди.

● Нукусда энергиядан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва қайта тикланадиган энергия манбаларини ривожлантиришга бағишланган семинар бўлиб ўтди.

● Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиалида вилоятдаги ахборот технологиялари ва коммуникациялари йўналишидаги таълим муассасалари битирувчилари учун бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Ярмаркада битирувчилар таклиф этилаётган иш ўринлари, корхоналар фаолияти билан яқиндан танишди. Ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб, иш берувчиларнинг тавсия ва маслаҳатларини олди. Меҳнат ярмаркаси давомида 100 га яқин битирувчи ва иш берувчилар ўртасида шартномалар имзоланди.

● Андижон вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси ва хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида Марҳамат туманида "Эрта никоҳнинг олдини олиш – мустаҳкам оила пойдевори" мавзусида семинар ташкил этилди.

ЖАҲОНДА

● Япониядаги "Фукусима-1" атом электр станцияси маъмурияти бугундан бошлаб бу ерда радиация даражасининг сезиларли даражада камайиши муносабати билан авария оқибатларини бартараф этувчиларга деярли бутун станция ҳудудида ҳимоя кийимларисиз ишлашга рухсат берди. Гап шундаки, бу ерда тупроқнинг зарарланган устки қисми олиб ташланганидан сўнг, АЭСдаги радиактив нурланиш белгиланган меъёрдан камроқ даражага тушди.

● Германия ҳукумати Европа Иттифоқига қўшни мамлакатларга чегара назоратини кучайтиришни сўраб расмий мурожаат этмоқчи. Зеро, германияликлар қочқинларнинг навбатдаги оқимидан хавфсирамоқда. Маълумотларга кўра, Триполидан "Болқон йўналиши" орқали 150 минг нафарга яқин ливияликларнинг Европа Иттифоқи ҳудудига кириши эҳтимоли бор.

● АҚШнинг Техас университети Жануби-Ғарбий тиббиёт марказининг бир гуруҳ олимлари томонидан саратон касали ҳужайраларининг уч ўлчамли тасвирини олишга мўлжалланган микроскоп яратилди. Ҳозиргача саратон ҳужайраларини текширишда икки ўлчамли ясси суратлардан фойдаланиларди. Янги микроскоп ҳужайралар ҳаётини табиий шароитларга яқинлаштирган ҳолда ўрганиш имконини беради.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши сессияси

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдаги ўн биринчи сессияси бўлиб ўтди. Сессияни халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши раиси, шаҳар ҳокими Р.Усмонов олиб борди.

Депутатлар дастлаб Тошкент шаҳар прокуратураси органларининг қонунийликни мустаҳкамлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш ҳамда профилактика қилиш борасидаги 2015 йилги фаолияти юзасидан Тошкент шаҳар прокурорининг ахборотини тингладилар.

Тошкент шаҳар прокурори Мирзоҳид Обидов шаҳар ҳудудида қонунийликни мустаҳкамлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги ишлар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди. Хусусан, фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқларининг таъминланиши, бунга дахлдор бўлган ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишда Ўзбекистон Республикасининг Қонун ҳужжатлари талабларига қатъий риоя қилинишига эришиш, таклиф, ариза ва шикоятларини кўриб чиқишда "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган тартиб ва муддатларга сўзсиз риоя қилиш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, фуқароларни, шу жумладан касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш, тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, кичик бизнес ҳамда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, улар асосида янги иш ўринларини ташкил этиш, йирик саноат корхоналарида касаначилик фаолиятини жадаллаштиришга доимий эътибор қаратиш, шаҳар ҳудудида юқумли касалликлар тарқалишининг, болалар ва оналар ўлими ҳолатларининг олдини олишга доир амалий чоралар кўриш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятини самарали мувофиқлаштириш, маҳаллий давлат ҳокимияти ва ўзини ўзи бошқариш органлари билан амалий ҳамкорликни таъминлаш, жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи диний экстремизм ва терроризм, гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланиши, одам савдоси, аёллар ва вояга етмаганлар ўртасидаги жиноятларнинг олдини олишда тушунтириш-тарбиявий ва тарғибот ишларини жадаллаштириш ва бошқа долзарб йўналишдаги ишларнинг аҳволини батафсил шарҳлаб берди.

Жумладан, ўтган 2015 йилда содир этилган жиноятлар таҳлилидан келиб чиқиб бу борадаги қилиниши лозим бўлган устувор йўналишларга ҳам атрофлича тўхталди. Шу ўринда айниқса ёшлар ўртасидаги жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари, бунга омил бўлаётган ҳолатлар, мазкур йўналишда давлат ва жамоат ташкилотларининг изчил ҳамкорлигини ташкил этиш зарурлигига эътибор қаратди.

Сессияда шаҳар прокуратураси органларининг 2015 йилги фаолияти тўғрисидаги ахборот маълумот учун қабул қилиниб, мазкур ахборот асосида шаҳар ҳудудида қонунийликни мустаҳкамлаш ҳамда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар белгилаш ҳақидаги қарор тасдиқланди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг Тошкент шаҳридаги минтақавий вакили ҳам 2015 йилдаги фаолияти юзасидан ахборот берди. Депутатлар ҳукмига ўтган йилда келиб тушган ариза ва шикоятлар, улар бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан тўлиқ маълумот берилиб, бу борадаги ҳолатларни аввалги йиллар билан таққослаган ҳолда таҳлил қилиб ўтилди.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши сессиясида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлими милиция таянч пунктлари профилактика нозирларини тасдиқлаш тўғрисидаги ва кенгаш ваколатига кирувчи бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ахборот хизмати

Мустақилликнинг илк йиллариданоқ Юртбошимиз томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун яратиб берилган қулай ишбилармонлик муҳити натижасида тадбиркорлик мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти таркибида ҳал қилувчи тармоққа, ижтимоий фаол аҳолимизнинг катта қисмини қамраб олган соҳага айланди.

БОШ МАҚСАД — КИЧИК БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ

Ушбу тизимга янада қулайликлар яратиш мақсадида бир қатор Қонун, Қарор, Фармонлар қабул қилиниб, улар асосида меъёрий ҳужжатларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 августдаги "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш бўйича қулай ишбилармонлик муҳити ҳамда ишончли ҳуқуқий кафолатлар яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон банклари ассоциацияси, тижорат банкларининг тадбиркорлик субъектларига нисбатан банк фаолиятининг янада очиқлигини ошириш ва либераллаштириш бўйича қуйидагиларни назарда тутувчи таклифлари қабул қилинди. Унга кўра, 2011 йил 1 сентябрдан кичик бизнес субъектларига миллий валютада ҳисобварақлар ҳақ ундирилмасдан очилмоқда, уларнинг кредит аризалари эса 3 кун муддат ичида кўриб чиқилмоқда.

Фармонга мувофиқ, Марказий банк томонидан кичик бизнес субъектларига қулайликлар яратиш мақсадида кичик бизнес субъектларига кредитлар ажратиш бўйича янги тартиб "Кичик тадбиркорлик субъектларини миллий валютада кредитлаш тартиби тўғрисида"ги Низом ишлаб чиқилди.

Марказий банк ва тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 2015 йил давомида иқтисодиётни реал сектори тармоқларига кредит беришни кенгайтириш юзасидан муайян ишлар амалга оширилди.

Хусусан, Тошкент шаҳридаги тижорат банклари томонидан ўтган 2015 йил давомида кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига жами 4,2 трлн. сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Ушбу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 1,3 баробарга ортганини кўришимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш учун 429,8 млрд. сўмлик кредитлар ажратилди.

Бундан ташқари тижорат банклари томонидан озиқ-овқат ишлаб чиқарувчи корхоналарни ривожлантиришга 624,6 млрд. сўм, ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналарни ривожлантиришга 893,6 млрд. сўмлик кредит маблағлари ажратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 майдаги "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, меҳнат фаолиятини бошлаш ва мустақил ҳаётга кириб келишида уларга зарур ёрдам кўрсатиш, барқарор даромад манбаларини шакллантириш механизмлари ва амалий рағбатлантириш омилларини яратиш ҳамда уларнинг уй-жой ва маиший шароитларини яхшилаш учун 2015 йил давомида ёш оилаларга жами 96,8 млрд. сўм кредит маблағлари ажратилган. Касб-ҳунар коллежи битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш мақсадида Марказий банк Тошкент шаҳар Бош бошқармаси ва Тошкент шаҳар ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси билан ҳамкорликда муайян ишлар олиб борилмоқда.

Бу борада касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш мақсадида ҳар бир тижорат банк филиали касб-ҳунар коллежига бириктирилган. Шу билан бирга бириктирилган тижорат банклари томонидан коллеж битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини амалга ошириш бўйича қонунчилик асосида берилган имтиёзлар юзасидан керакли маслаҳатлар берилмоқда.

Хусусан, Тошкент банк коллежи, Сергели молия коллежи, Чилонзор транспорт касб-ҳунар коллежи, Тошкент ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежи ва жами 79 та касб-ҳунар коллежларида битирувчилар билан амалий учрашувлар ўтказилди.

Амалга оширилган ишлар натижасида Тошкент шаҳридаги тижорат банклари томонидан ўтган йили касб-ҳунар коллеж битирувчиларини тадбиркорлик фаолияти учун 38,7 млрд. сўмлик кредит маблағлари ажратилди.

Мазкур эзгу ишлар "Соғлом она ва бола йили"да ҳам тизимли ва режа асосида давом этади.

Камол ҚОДИРОВ,
Марказий банк Тошкент шаҳар Бош бошқармаси Тижорат банклари инвестициялар портфелини мониторинг қилиш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ҲУҚУҚИ ДАХЛСИЗ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида интеллектуал мулк соҳаси ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалаларига бағишланган конференция бўлиб ўтди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Н.Умаров, Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси А.Шодмонов, Интеллектуал мулк агентлиги директори вазифасини бажарувчи М.Бобожонов ва бошқалар мамлакатимизда интеллектуал мулк соҳасини ривожлантиришга доимий эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Президентимизнинг 2011 йил 24 майдаги "Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлигини ташкил этиш тўғрисида"ги Қарори соҳани ривожлантиришда муҳим омил бўлди. Шу асосда интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва уларга бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширишнинг ҳуқуқий механизми мустаҳкамланди.

Интеллектуал мулк билан боғлиқ қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилишини қатъий назорат қилиш, республика ҳудудига қалбаки товарларнинг ноқонуний олиб кирилиши ва айланишига чек қўйишда ваколатли давлат органлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамкорлиги йўлга қўйилган.

Конференцияда интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқларни ҳимоя қилиш масалалари муҳокама қилинди. Хусусан, ҳуқуқни тан олиш, ҳуқуқ бузилишидан олдинги ҳолатни тиклаш ва ҳуқуқни бузадиган ёки унинг бузилиши хавфини туғдирадиган ҳаракатларнинг олдини олиш, маънавий зиённи қоплашга қаратилган чора-тадбирлар таъминланаётганлиги таъкидланди. Шу билан бирга, қонунчиликда интеллектуал мулк объектларидан ноқонуний фойдаланганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи маъмурий ёки жиноий жавобгарлик чоралари назарда тутилмаганлиги, мавжуд жавобгарлик чоралари ҳозирги кун талабларига мос эмаслиги айтиб ўтилди.

Шулардан келиб чиқиб, соҳага оид қонунчиликни янада такомиллаштириш, интеллектуал мулкка оид халқаро ҳужжатлар қоидаларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш зарурлигига эътибор қаратилди.

(ЎзА)

Яккасарой тумани ҳокимининг
ҚАРОРИ

ЯККАСАРОЙ ТУМАНИДА 2016 ЙИЛДА ҲАҚ ТЎЛАНАДИГАН ЖАМОАТ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 июлдаги "Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 353-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1999 й., 7-сон, 40-модда) ижросини таъминлаш, иш қидираётган шахс сифатида туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказида рўйхатга олинган фуқароларга уларнинг вақтинча иш ҳақи олиши ва иш қидираётган даврида уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, марказ томонидан "ишсиз" деб эътироф этилган фуқароларни вақтинча иш билан таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш, биринчи марта иш қидираётган ва касби бўлмаган шахсларни меҳнат фаолиятига жалб қилиш мақсадида ҳамда туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказининг 2016 йил 2 февралдаги КС-05-46-сон хати билан берилган таклифини инобатга олиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Яккасарой туманида 2016 йилда ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этувчи корхона ва ташкилотлар рўйхати иловага асосан тасдиқлансин.

2. Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этувчи корхона, ташкилотлар раҳбарларига:

иловада қайд этилган ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш таъминлансин;

жамоат ишларига жалб қилинган фуқаролар меҳнатига ҳақ тўлаш харажатларининг маҳаллий давлат ҳокимияти органларига қарашли корхона ва ташкилотлар бўйича 50 фоизи иш берувчилар маблағлари ва 50 фоизи маҳаллий бюджет ва иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан, бошқа корхона ва ташкилотлар бўйича 75 фоизи иш берувчилар маблағлари ҳисобидан, 25 фоизи иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин;

туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази йўлланмаси бўйича ҳақ тўланадиган жамоат ишларига юборилган фуқароларни жамоат ишига қабул қилинганлиги тўғрисидаги маълумот 3 кун муддатда марказга ёзма равишда хабар қилинсин.

3. Туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази (Ш.Мухаммедов):

корхона ва ташкилотлар раҳбарлари томонидан мазкур қарорнинг тўлиқ бажарилиши юзасидан қатъи назорат ўрнатсин;

ҳақ тўланадиган жамоат ишларига юборилган ва иш билан таъминланган фуқаролар белгиланган тартибда ҳисобга олинсин.

4. Туман ҳокимлигининг ташкилий-назорат гуруҳи (И.Алимов) ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг "Компьютерлаштириш маркази" ДУКнинг Яккасарой тумани тармоқ администратори (Ш.Ахмаджонов):

Мазкур қарор "Тошкент оқшоми" ва "Вечерний Ташкент" газеталарида расмий эълон қилинсин ва www.yakkasaroy.uz веб-сайтига жойлаштирилсин.

5. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Н.Абдурахманов зиммасига юклансин.

Яккасарой тумани ҳокими вазифасини вақтинча бажарувчи С.Кадыров

2016 йил 19 февраль

Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг tashkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.



Саховатли заминимизнинг ҳар қаричи олтинга тенг. Жаннатмонанд юртимиз кўркам боғ-роғлари, узумзорлари билан ҳам дунёга машҳур. Экспертларнинг фикрича, Ўзбекистон шароитида етиштирилган мева-сабзавот бебаҳо хусусиятлари, яъни таркибида амино ва органик кислоталар, саломатлик учун ғоят фойдали микроэлементлар, турли биологик моддаларга бойлиги билан бошқа минтақаларда етиштирилган маҳсулотлардан ажралиб туради.

Муқимжон Қодиров олган сурат

ИШ ҲАҚИНИ SMS ОРҚАЛИ БИЛИШ МУМКИН

"UzASBO" дастурий мажмуасида янги хизмат тури жорий этилди. Энди бюджет ташкилотлари ходимлари мазкур дастурий мажмуада ҳисобланган иш ҳақи ва бошқа тўловлар ҳақида SMS орқали маълумот олиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотларига кўра, 2011 йилда фойдаланишга топширилган бюджет ташкилотлари бухгалтерлик ҳисобини юритувчи "UzASBO" дастурий мажмуасидан ҳозирги кунда 26 мингдан зиёд ташкилот фойдаланиб келмоқда.

Бугунги кунда бюджет ташкилотлари шахсий ғазна ҳисобварақларидан кўчирмаларни электрон кўринишда мазкур дастурий мажмуадан олиш имкониятига эга. Дастурий мажмуа орқали тўлов топшириқномалар ғазначилик органларига ва молиявий ҳисоботлар юқори турувчи ташкилотларга ҳамда молия органларига электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда тўлиқ электрон кўринишда тақдим этилмоқда.

2012 йилда "UzASBO" дастурий мажмуасининг бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларини ҳисоблашга ихтисослаштирилган алоҳида модули ишлаб чиқилган. Ҳозир бюджет ташкилотлари томонидан иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар бўйича харажатлар тегишли муассасаларга электрон кўринишда юборилмоқда.

– 2016 йилнинг февраль ойидан бошлаб яна бир янги хизмат тури жорий этилди, – дейди Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ахборот ҳисоблаш маркази мутахассиси Обид Абдуқодиров. – Эндиликда бюджет ташкилотлари ходимлари "UzASBO" дастурий мажмуасида ҳисобланган иш ҳақи ва бошқа тўловлар тўғрисида SMS орқали маълумот олишлари мумкин. Бунинг учун 7878 қисқа рақамига zp*12345*01*2016 кўринишида SMS юборилади. Бунда zp – лотинча белги бўлиб, ойлик иш ҳақи маълумотини билдиради ва ўзгармас ҳисобланади. 12345 – ходим коди ҳисобланиб 1-9999999 гача бўлган рақам билан ҳар бир ходимга алоҳида берилади. 01 ва 2016 – ой ва йил рақамларидир. Ходим кодининг рақами ҳамда 7878 рақамидан келадиган жавоб SMS матнида тўлов турларини кўрсатишда фойдаланиладиган қисқартма номлар бўйича ташкилот ҳисобчисидан тўлиқ маълумот олиш мумкин.

Б.БОЗОРОВ,
ЎзА мухбири

Янги таҳрирдаги Божхона кодекси шу йилнинг 21 апрель кунидан кучга киради. Айни шу санадан бошлаб нафақат амалдаги Божхона кодекси, балки Ўзбекистон Республикасининг "Божхона тарифи тўғрисида"ги Қонуни ҳамда ушбу қонунларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар ҳам ўз кучини йўқотади.

ТАДБИРКОРЛАР УЧУН ҚУЛАЙЛИКЛАР

Шу муносабат билан Давлат божхона қўмитасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси билан ҳамкорликда пойтахтимизда ва Тошкент вилоятида фаолият юритаётган юздан ортиқ ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, божхона расмийлаштируви бўйича мутахассислар иштирокида семинар-тренинг ташкил этилди.

Учрашувда Давлат божхона қўмитасининг бир қатор мутасадди бошқармалари вакиллари томонидан мазкур Кодекснинг қабул қилинишига сабаб бўлган омиллар, унинг ўзига хос жиҳатлари ва афзалликлари, амалдаги Кодекслан фарқли жиҳатлари ҳақида кўргазмали воситалар орқали батафсил тушунтиришлар берилди.

Янги таҳрирдаги Божхона кодексини ишлаб чиқишдан асосий мақсад иқтисодиётнинг жаҳон бозорига интеграциялашувига энг кўп кўмаклашувчи божхона назорати тизимини шакллантиришдир. Бунда ахборот технологияларини қўллаган ҳолда божхона назорати, хавфни бошқариш тизимини жорий этиш, божхона тартиб-таомилларини максимал даражада соддалаштиришга асосланган ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари ва божхона органлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг янги моделини яратиш кўзда тутилган.

— Мазкур Кодекс концептуал жиҳатдан амалдаги Божхона кодексидан тубдан фарқ қилиб, ташқи савдо операцияларини амалга оширишда божхона назорати самарадорлигини таъминлаш ва мамлакатимиз ҳудудида товар айланмасини тартибга солишда муҳим аҳамият касб этади, — дейди ДБҚ Ҳуқуқий бошқарма бошлиғи А.Қурбонов. — Янги таҳрирдаги Божхона кодекси амалиётда қўлланиладиган атамалар, норма ва қоидаларни бир хилда шарҳлаш ва қўллаш, шунингдек, уларни божхона расмийлаштирувининг халқаро меъёрларга мувофиқлигини таъминлашда амалдаги барча божхона процедураларини тартибга соладиган аниқ ва тўғридан-тўғри татбиқ этиладиган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз ичига олган.

Шунингдек, божхона расмийлаштирувида субъектив омилларга йўл қўймаслик ҳамда расмийлаштирув жараёни муддатини қисқартириш мақсадида, интерфаол хизматлардан унумли фойдаланиш ва ахборот-коммуникация технологиялари татбиқ этилишининг ҳуқуқий асослари шакллантирилган, божхона органлари томонидан интеллектуал мулкни ҳимоя қилишнинг аниқ меъёрлари, божхона экспертизасидан ўтказиш тартиби ҳам ўз ифодасини топган.

Божхона ишини тартибга солувчи айрим нормаларни қисқартириш ва бу орқали Божхона кодексига қонун мақомини бериш, божхона органлари фаолияти шаффофлигини таъминлаш ва тадбиркорлик субъектларига қўшимча кафолатларни ташкил этиш, автотранспорт воситаларининг божхона ҳудудига кириб келиши ёки божхона ҳудудидан чиқиб кетишида тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати батафсил келтирилган.

Бундан ташқари, хавфни бошқариш тизимини ва божхона ишида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш тартиблари белгилаб берилган. Демак, юридик ва жисмоний шахслар божхона ишида божхона ҳамда бошқа давлат органлари ахборот тизимлари ва интернетдан фойдаланишлари мумкин. Божхона органлари юридик ва жисмоний шахслар учун ўзларининг фаолиятига доир маълумотлардан ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида ДБҚ расмий веб-сайти орқали монеликсиз фойдаланишни таъминлайди. ДБҚ ягона автоматлаштирилган ахборот тизимларининг жорий этилиши божхона чегаралари орқали олиб ўтилаётган товарларни ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларига божхона расмийлаштирувини сезиларли даражада енгиллаштиришга хизмат қилади. Мазкур тизим божхона органларига тақдим этиладиган ҳужжатлар сонини камайтиради.

Тадбирда ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари ўзларини қизиқтирган барча саволларга мутахассислардан батафсил жавоблар олишди. Бу каби семинар-тренинглар Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ҳам ташкил этилиши режалаштирилган.

З. ШАРИФЖОНОВ

2016 йил — Соғлом она ва бола йили

СКРИНИНГ МАРКАЗИ:
ОНА ҲАМ, БОЛА ҲАМ СОҒЛОМ БЎЛИШИ ЙЎЛИДА

Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 2016 йил Соғлом она ва бола йили, деб эълон қилинди. Жорий йил 9 февраль куни давлатимиз раҳбарининг "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди. Ушбу дастурни ҳаётга татбиқ этишда давлат ва жамоат ташкилотлари фаол иштирок этади. Бу ишга Республика "Она ва бола скрининг" маркази ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. Марказ фаолиятининг асосий вазифаси соғлом она – соғлом бола тамойилини амалга оширишга хизмат қилишдир.



Сарвар Ўрмонов олган сурат

...Шифокорларнинг "ҳомиладорлик даврида скрининг" деган тушунчаси деярли барча бўлажак оналарга яхши таниш. Аммо мутахассислар скрининг деганда нимани назарда тутади? Бунинг учун қандай текширувлардан ўтиш керак? Шифокорлар текширув натижалари қайд этилган ҳужжатлардан қандай ахборотга эга бўлади? Нега баъзи аёллар бир хил текширувдан бир неча марта ўтишига тўғри келса, бошқалари учун бир маротаба шундай текширув кифоя қилади?

Биринчи фарзандини дунёга келтириш арафасида бўлган 22 ёшли Насиба Ҳамдамовани ҳам шу саволлар ўйлантирарди. Насиба ҳомиладорликнинг бошланғич даврида ўткир респираторли вирусли инфекция билан касалланган боис ҳомила аҳволидан хавотир олган оилавий поликлиника шифокорлари уни Республика "Она ва бола скрининг" марказига юборишган. Скрининг текширув чоғида турмуш ўртоғи унинг ёнида бўлди, натижаларни сабрсизлик билан кутди.

Марказнинг пренатал ультратовуш текширув хонасида чироқлар хира ёниб, юқори даражада ўтказувчанлик қобилиятига эга ультратовуш текширув аппарати ишлаб турибди, мониторда жараён кузатилмоқда. Насиба ҳаммасидан тезроқ хабардор бўлишни истар, ҳеч нарсани эътиборсиз қолдирмасликка ҳаракат қиларди. Олий тоифали пренатолог-шифокор Воҳидхон Содирхонов уни тинчлантирар экан, текширувдан сўнг барчаси аён бўлишини тушунтирди.

Ҳақиқатан ҳам, ультратовушли текширув аппарати мониторидаги тасвирни кўриб, ҳамманинг юзига табассум югурди. Насиба ҳам ўз вужудида ривожланаётган мурғаккина фарзанди қимирлаётганини кўрди. Воҳидхон Озодхонович боланинг ҳар бир аъзосига, жажжи бармоқчаларию оёқларига эътиборимизни қаратди. Унинг "бу юрак, унинг уришини кўряпсизми?" деган сўзлари ҳамон қулоғим остида жаранглаб турибди.

– Мен экранда вужудимда яшаётган мўъжиза – туғилажак фарзандимнинг нафасини ҳис қилдим, унинг ҳаракатларини, қўлини қимирлатиб, оёқларини ўйнатаётганини кўрдим, – дейди Насиба Ҳамдамова. – Бундай ҳис-туйғуларни сўз билан ифодалаб бўлмайди, улар хотирамда бир умр муҳрланиб қолади.

Дарҳақиқат, фарзандини дунёга келтираётган ҳар қандай аёл уни ўз кўзи билан кўришни интиқлик билан кутади. Бугунги технологик тараққиёт даврида бу жараённи ҳомиладорликнинг эрта муддатларида ҳам кузатиш мумкин. Энг муҳими, бола туғилишидан аввал унинг соғлиғи ҳақида билиш ва туғруққа тайёргарлик кўриш мумкин. Буларнинг барчаси скрининг (инглизча screening – танлаб олиш, саралаш), яъни соғлиқни сақлашни ташкил этишда клиник оғриқсиз кечадиган касалликларни аниқлашга қаратилган стратегияни амалга ошириш имконини беради. Ушбу стратегиянинг мақсади касалликларни имкони борича эрта аниқлашдан иборат бўлиб, бу ногиронликнинг олдини олиш учун даволашни ўз вақтида бошлашда муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, дунёда чақалоқларнинг 5 фоизи туғма ва ирсий хасталиклар билан туғилмоқда. Ҳомиладорлик даврида турли ўткир юқумли касалликларни бошдан кечириш, эндокрин ва сурункали хасталиклар, бўлажак оналарнинг нотўғри овқатланиши, аёллар организмида йод, фолий кислотаси, туз танқислиги, экологик омиллар, жумладан, айрим дори препаратларини қабул қилиш бунинг асосий сабабларидир.

Ультратовушли скрининг замонавий пренатал ташхис услублари орасида алоҳида ўрин тутади. Инвазив ва ноинвазив текширувлар орасида эса биринчи ўринда туради ва юқори даражада маълумот олиш, хавфсизлиги ва оммавий фойдаланиш имконини бериши билан бошқа пренатал ташхис услубларидан ажралиб туради.

Ультратовушли текширув акушерликда 40 йилдан кўпроқ вақтдан буён қўлланиб келинаётганига қарамасдан, эхографик скрининг 80-йиллар охири ва 90-йиллар бошида пренатал ташхис қўйишда етакчи ўринни эгаллади. Акушерликда ультратовушли текширув бўйича дастлабки скрининг дастури 1974 йилда кўп болали ҳомиладорликни текширувдан ўтказиш учун Мальмё шаҳрида (Швеция) таклиф этилиб, амалиётга жорий қилинган. 1976 йил бу борада тўпланган тажриба ушбу шаҳардаги клиника мутахассисларига ҳомиладорликнинг 19 ва 32 ҳафталикларида текширишни ўз ичига олган ҳамда ҳомиланинг ривожланиш нуқсонларини аниқлашга қаратилган икки босқичли скрининг дастурни таклиф қилиш имконини берди. Вақт ўтган сайин ультратовушли скрининг бошқа мамлакатларда кенг тарқалди. 1980 йили Германия соғлиқни сақлаш миллий дастурига икки босқичли, Францияда уч босқичли ультратовушли скрининг киритилди. 80-йиллар бошида АҚШда ультратовушли текширувлар оммавий тус олди ва 1984 йилда ҳомиладор аёлларнинг деярли 50 фоизи ушбу текширув билан қамраб олинди.

Мамлакатимизда ультратовушли скрининг бўйича дастлабки тадқиқотлар мустақилликка эришганимиздан сўнг йўлга қўйилди. Зеро, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш жараёнида Президентимиз раҳнамолигида миллат генофонди ва саломатлигини мустаҳкамлашнинг муҳим омили сифатида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Дастлаб туғма ва ирсий патологиянинг олдини олиш услублари айрим тиббиёт муассасаларида қўлланилди.

Ўзбекистонда ушбу муаммо катта тиббий ва ижтимоий аҳамиятга эга экани инобатга олиниб, биринчи скрининг маркази 1997 йили Нукус шаҳрида ташкил этилди ва у Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Хоразм вилояти аҳолисига хизмат кўрсата бошлади. Ривожланишда нуқсони бор болалар туғилишининг олдини олишда ушбу муассаса фаолиятининг самарадорлиги Президентимиз ташаббуси билан 1998 йил "Она ва бола скрининги" Давлат дастурини қабул қилиш ва мамлакатимизнинг барча ҳудудларида шундай муассасалар ташкил этишга асос бўлиб хизмат қилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 июлдаги "Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ва Президентимизнинг 2008 йил 18 июндаги "Болаликдан ногиронлар туғилишининг олдини олиш учун туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш Давлат дастури тўғрисида"ги (2008-2012 йиллар даврида) Қарорига кўра, ушбу дастур янги босқичда давом эттирилмоқда.

2013 йилда 2013-2017 йиллар даврида болаликдан ногиронлар туғилишининг олдини олиш учун туғма ва ирсий касалликларни эрта аниқлаш давлат дастури қабул қилинди. Айни пайтда бу борадаги ишларга замонавий ультратовушли ташхис ускуналари ёрдамида ҳомиласи 10-14 ҳафталик бўлган барча аёллар оммавий текширувдан ўтказилаётган туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмалари жалб қилинган.

Бундан ташқари, Давлат дастурига мувофиқ, Тошкент вилоятида ҳам ягона битта ҳудудий скрининг маркази ташкил этилади. Бу мамлакатимизнинг ўирик ҳудудларидан бирида туғма ва ирсий касалликларни аниқлашни янада яхшилаш имконини беради. Барча скрининг марказлар мутахассислари Ўзбекистонда шу пайтгача эрта муддатларда ташхис қўйилмаган ва даволанмаган турли касалликларга ташхис қўйиш ҳамда уларнинг олдини олиш бўйича янги усулларни ўзлаштирмоқда. "Она ва бола скрининги" Давлат дастурини амалга ошириш доирасида ҳудудий скрининг марказлар биокимёвий анализаторлар билан жиҳозланди. Бу эса асаб-мушак тизимининг кўплаб ирсий касалликлари ва танадаги ўзгариш билан кечадиган патологик ҳолатларга ташхис қўйиш имконини беради.

– Бугунги кунда скрининг тизими 12 ҳудудий ва Тошкент шаҳридаги Республика скрининг марказидан иборат бўлиб, улар ҳомиладор аёллар ва чақалоқларни скрининг текширувларидан ўтказмоқда, – дейди Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бош генетиги, Республика "Она ва бола скрининг" маркази директори, тиббиёт фанлари доктори Мадина Шарипова. – Бу марказлар ҳомиладор аёлларда ҳомила ривожланишининг туғма нуқсонларини аниқлаш учун пренатал (туғруқ олди), туғма гипотиреоз ва фенилкетонурияни аниқлаш учун оммавий неонатал (чақалоқлар) скринингини ўтказмоқда, оилаларида туғма ҳамда ирсий патологиялар бўлган беморларга тиббий-генетик маслаҳатлар бермоқда. Масалан, 1998-2015 йилларда 2,1 миллиондан ортиқ ҳомиладор аёл туғруқ олди ультратовушли текшируви, 4,8 миллиондан зиёд чақалоқ неонатал скрининг текширувидан ўтказилди. Бунинг самарасида мамлакатимизда туғма нуқсони бор болалар дунёга келиши 2000 йилга қараганда 1,8 баробар камайгани кузатилмоқда.

Бу рақамлар бугунги кунда ёш оилалар туғилажак фарзанди ҳақида кўпроқ билишга, соғлом ва бақувват болани дунёга келтиришга интилаётганини кўрсатмоқда. Бу борада уларга она ва бола скрининг марказларининг тажрибали мутахассислари ёрдам бераётир. Марказлар таркибидаги тиббий-генетик маслаҳат бўлимларида ҳомиладор аёллар ультратовушли скринингдан ўтказилиб, туғма гипотиреоз ва фенилкетонурия билан туғилган чақалоқлар диспансер назоратига олинади ҳамда даволанади, туғма ва ирсий касалликларни бошдан кечираётган оилаларга маслаҳат берилади.

